

Эй хотиржам-сокин жон...

15:33 / 28.04.2017 2395

Вал-фажр... Үттизинчи жузънинг бошқа суралари каби бу сура ҳам инсон қалбини иймонга, тақвога, ҳушёрликка, тафаккурга чорлайди, «**кўзингни оч**», дея миясига тинимсиз турткилайди. Дастлаб, АЛЛОҲ Таоло борлиқ кўринишларига қасам ичиб, уларнинг инсон ҳаётидаги муҳим ўрнига эътиборни тортади: «**Тошга, ўн кечага, жуфт ва тоқ (ракъатли намозларга), ўтиб бораётган кечага қасам...**» Сўнгра тарих саҳифаларини варақлаб, ақл эгалари учун ўтган қавмларнинг ҳалокатида ибрат борлиғи эълон қилади. Кейин эса, момоқалдиروقдек даҳшатли ифодалар ила Қиёматнинг ҳайбатли тасвирини чизади, Ернинг чилпарчин бўлишини, кўзлар ола-кула бўлиб, қинидан чиқаёзишини, диллар қақшаб туришини, чунки у кунда ҳокимиятни, қозиликни улуғ жаббор мутакаббир бўлган зот АЛЛОҲ Таоло олишини хабар беради. Ана шу инсон ақлига сиғмас даражадаги даҳшат ва қўрқинчлар тасвири ортидан мўъмин жонга ғойибдан мулойим, роҳатбахш бир нидо келиши хуш-хабари янграйди: «**Эй хотиржам-сокин жон, сен (АЛЛОҲ ато этган неъматлардан) рози бўлган (ва АЛЛОҲ Таоло томонидан сенинг амалларингдан) рози бўлинган ҳолда Парвардигоринг (ҳузури) га қайт! Бас, (солиҳ) бандаларим қаторига кир ва Менинг жаннатимга кир!**» (27-30-оятлар) Сура Маккада, Исломнинг аввалила нозил бўлган. Тарихдан маълумки, у пайтда мусулмонлар кам сонли ва ожиз эдилар. Тарафларини оладиган, озору қийноқлардан ҳимоя қиладиган, улар учун туриб берадиган бир инсон йўқ эди. Аммо уларда Буюк далда бор эди: Иншиқоқ, Буруж, Торик, Вал-фажр... суралари. Улар ана шу далдалари билан мушрикларнинг ҳар қандай қийноқларига сабр қила олдилар. Таналари калтаклар зарбидан кўкариб аламланган бир пайтда, қалблари иймон нури ила хотиржам эди.

«**Эй хотиржам-сокин жон...**»

Ушбу ва ундан кейинги оятларда жаннат бўйи уфуриб турибди. Дарҳақиқат, бу бўйни туйган жон Парвардигорига бўлган эътиқоди туфайли хотиржамдир. Йўлининг аниқлигидан, АЛЛОҲ тақдир қилганидан бошқа иш бўлмаслигидан, устида ҳамма нарсани кузатиб турган Зот уни ёлғиз ташлаб қўймаслигидан, бошига қуйилиб келиши мумкин бўлган машаққатлару тангликлардаи хотиржам. Шунчалик хотиржамки, заррача шубҳага бормаиди. Шунчалик хотиржамки, йўлидан қилча чекинмайди.

Шунчалик хотиржамки, иймонида дудуқланмайди, хавф-хатарлар олдида ўзини йўқотиб қўймайди...

Аллома Хафиз ибн Касир Вал-фажр сурасига ёзган тафсири сўнгида «Ажойиботлар» китобидан қуйидаги ривоятни келтирган: **«Қубос ибн Абу Хошим бошидан ўгган воқеани шундай ривоят қилади: «Рум шаҳридаги жангда асир тушдим. Подшо биз тутқунларнинг хаммасини тўплаб, динни таклиф қилди. Бош тортганинг бўйни узилажагини айтди. Шунда уч киши муртад бўлди. Аммо уларнинг тўртинчиси масиҳийликни қабул қилмади. Сўнг унинг бўйнига қилич уришди. Боши уша ердага дарёга сапчиб тушди. Танадан айрилган калла сувга бир ботиб, сўнг юзага қалқиб чиқди-да, ҳалиги уч кишига қараб, исмларини айтиб чақирди ва: «АЛЛОҲ Таоло китобида бундай деган», деб Вал-фажр сурасининг охириги тўрт оятини ўқиди, кейин чўқиб кетди. Бу воқеанинг гувоҳи бўлиб турган насоролар мусулмон бўлишларига оз қолди. Халиги учтаси бўлса, дарҳол Исломга қайтди. Кейинроқ халифа Абу Жаъфар Мансур юборган қўшин бизни халос этди».** Бу ҳикоя иймонида хотиржам бўлган жоннинг албатта, Парвардигори ваъда қилган жаннатни топишига кичик бир хабар, холос.